“ТАСДИКЛАЙМАН”
Ўзбекистан Республикаси
Президенти Администратсияси
хузуридаги ТББнинг 1-сон
МКДП поликлиникаси Бош шифокори

___________Н.К.Самигов

# ТАНЛАШ БУЙИЧА ХАРИД КИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

Тошкент - 2022 й.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | Номланиши |
|---|---|
| I | Танлаш утказилиши тугрисидаги эълонда курсатилган ахборот: |
| 1 | Умумий коидалар |
| 2 | Буюртмачи |
| 3 | Танлаш иштирокчилари |
| 4 | Танлашни утказиш шарти |
| 5 | Танлашни таъминлаш |
| 6 | Танлаш тили |
| 7 | Таклифларни бахолаш |
| 8 | Тижорат таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби |
| 9 | Танлаш таклифлари бахолаш мезонлари |
| 10 | Томонлар жавобгарлиги ва махфийликка риоя килиш |
| 11 | Бошка шартлар |
| 12 | Шартнома тузилиши |
| 13 | Ижрочилар билан хисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тулов тартиби ва етказиб бериш шартлари хакидаги ахборот |
| 14 | Электрон савдо платфомаси орқали тақдим килинадиган хужжатлар рўйҳати |
| II | Такдим килинадиган айрим хужжатларнинг шакллари |

# I. Танлаш утказилиши тугрисидаги эълонда курсатилган АХБОРОТ

## 1. Умумий коидалар

1.1. Мазкур Танлаш хужжатлари Узбекистон Республикаси “Давлат харидлари тугрисида”ги Конуни (кейинги уринларда - Конун деб юритилади) ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 10 февралдаги 69-сонли карори (кейинги уринларда - карор деб юритилади) талабларига мувофик ишлаб чикилган.

1.2. Танлаш предмета: товар (иш, хизмат)ларни харид килиш буйича энг яхши таклифларни танлаб олиш йули билан давлат харидини амалга ошириш.

1.3. Танлаш утказиш учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси хузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси 1-сонли Марказий консултатив-диагностик поликлиникасининг 2022 йил учун эхтиёжи.

1.4. Танлашнинг охирги киймати *тегишли лотларда курсатилади*. Тижорат таклифида курсатилган нархлар эълонда кўрсатилган максимал нархдан юкори булмаслиги керак.

1.5. Товар (иш, хизмат) буйича техник топшириклар Танлаш хужжатларининг техник кисмида келтирилган.

1.6. Танлаш комиссияси йигилишининг шакли – электрон шаклда.

1.7. Танлашни утказиш тугрисидаги эълон танлаш хужжатлари тасдикланган санадан бошлаб 3 (уч) кун муддат ичида 15 (ун беш) кундан куп булмаган муддатда махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

## 2. Буюртмачи

2.1. 1-сонли Марказий консултатив-диагностик поликлиникаси Танлашнинг буюртмачиси (кейинги уринларда - Буюртмачи деб юритилади) хисобланади.

2.2. Танлаш Иштирокчилари - мулкчилик шаклидан катъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари.

2.3. “Буюртмачи”нинг манзили: Тошкент шахри, Яшнобод тумани, С.Азимов кўчаси 67-уй.

2.4. Почта манзили: 100000, Тошкент шахри, Яшнобод тумани, С.Азимов кўчаси 67-уй.

2.5. Буюртмачининг мулокот килувчи шахси:

Тел: (71) 236-00-52, (93) 505-34-04, (99) 882 77 44, (93) 495-96-26

2.6. Танлаш буюртмачининг камида беш нафардан иборат ток сонли таркибдаги Танлаш комиссияси томонидан утказилади. Харид комиссияси таркибига бошка манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг мутахассислари жалб этилиши мумкин.

## 3. Танлаш иштирокчилари

3.1.Танлашда мулкчилик шаклидан катъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин (4.2-бандда келтирилганлар бундан мустасно).

## 4. Танлашни утказиш шарти

4.1. Танлашда иштирок этиш учун Танлаш иштирокчиси куйидагиларни

амалга ошириши лозим:

а) Танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган Танлаш хужжатларининг электрон нусхасини олиш, улар билан танишиш;

б) Танлаш хужжатлари шартларига мувофик Танлаш хужжатларини маҳсус электрон савдо платфомасига юклаш.

4.2. Куйидаги иштирокчиларнинг Танлашда катнашишига йул куйилмайди:

дастлабки малака Танловини утказиш учун зарур хужжатларни белгиланган муддатларда ва тулик такдим этмаган булса;

кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик боскичида булса;

танлашни ўтказиш чогида буюртмачи билан талабнома-суд ёки арбитраж мухокамаси холатида булса, илгари тузилган шартномалар буйича бажарилмаган мажбуриятлардан карздорлиги булса;

банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган булса;

харид комиссиясига нотугри ва ёлгон ахборот такдим этган булса;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган булса;

соликлар ва йигимларни тулаш буйича кечиктирилган карзларга эга булса;

иштирокчи ва унинг аффилланган шахси танлашда айни битта лотда иштирок этган холларда.

4.3. Буюртмачи куйидаги холларда иштирокчини харид килиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:

иштирокчи тугридан-тугри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошка давлат органининг хозирги мансабдор шахсига ёки собик ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир харакатни амалга ошириш, карор кабул килиш ёки бирон-бир Танлаш таомилини куллашга таъсир кўрсатиш максадида хар кандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки хар кандай кимматбахо буюм ёки хизмат курсатишни таклиф килган, берган ёки бунга рози булган такдирда;

иштирокчи адолатсиз Танлаш устунлигига эга булса, ракобатга карши харакатларни содир этса ёки конунчиликни бузган холда манфаатлар туknашувини келтириб чикарса, шунингдек аффилланганлик холлари аникланса.

## 5. Танлашни таъминлаш

5.1. Таклифни таъминлаш учун закалат пули хар бир лот умумий кийматининг 3%и микдорида белгиланади.

5.2. Танлашда голиб булган иштирокчи томонидан шартнома имзолаш рад этилса ушбу корхонага закалат пуллари кайтариб берилмайди;

5.3. Закалат пуллари куйидаги холатларда кайтарилади:

танлашда голиб булган иштирокчи томонидан имзоланган шартнома мажбуриятлари тулик бажарилганидан сунг;

танлашда голиб булмаган иштирокчига танлаш баённомаси тасдикданганидан сунг;

танлашда голиб булган иштирокчи томонидан имзоланган шартнома амал қилиш муддати тугаши муносабати билан.

## 6. Танлаш тили

6.1. Танлаш таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга

ошириладиган у билан боглик булган барча ёзишмалар, хужжатлар давлат тилида (зарур холларда рус тилида) булиши зарур.

**7. Таклифларни бахолаш**

7.1. Танлашда таклифларни бахолашнинг энг паст нарх усули кулланилади.

**8. Тижорат таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби**

8.1. Танлаш иштирокчилари уз таклифларини танлаш хужжатлари ва эълонда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда электрон савдо платфомаси орқали тақдим этади.

8.2. Иштирокчи такдим килинаётган маълумотлар ва хужжатларнинг хакикийлиги ва ишончлилиги учун масъул хисобланади;

8.3. Танлаш таклифининг тижорат (нарх) кисми Танлаш шартларига мос булган ва куйидаги маълумотларни камраб олувчи нархга оид кисмдан ташкил топади:

Товар (иш, хизмат)нинг номланиши, етказиб бериш киймати, якуний сумма, тулов шартлари, таклифнинг амал килиш муддати ва бошкалар.

8.4. **Иштирокчи таклифнинг техник кисмини хамда нархга оид таклифлари рахбар имзоси ва ташкилот мухри билан тасдикланган холда электрон тарзда такдим килиши шарт.**

8.5. Нархга оид таклифлар мавжудлигига талаблар:

нархга оид таклиф ва нархлар жадвали ушбу ахборотномага илова килинган шаклга мувофик холда берилиши лозим.

**9. Танлаш таклифлари бахолаш мезонлари**

9.1. Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун танлаш утказиш тугрисидаги эълонда ва танлаш буйича харид килиш хужжатларида белгиланган муддат ва тартибда узларининг таклифларини электрон тарзда такдим этадилар.

9.2. Иштирокчиларнинг таклифларини бахолаш 2-боскичда амалга оширилади.

9.3. Биринчи боскичда танлаш комиссияси томонидан танлашнинг техник кисми куриб чикилади. Унда барча хужжатларнинг мавжудлиги ва улар тугри расмийлаштирилганлиги текширилади.

Харид килиш хужжатларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва бахоланмайди.

9.4. Иккинчи боскичда танлашнинг нарх кисми куриб чикилади.

Танлашни утказишда иштирокчиларнинг эълонда курсатилган максимал нархдан юкори булган нарх буйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва бахоланмайди.

9.5. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини куриб чикиш ва бахолаш муддати Танлаш таклифлари берилиши якунланган санадан бошлаб 10 (ун) иш кунидан ошмаслиги керак.

9.6. Танлашнинг нарх кисмини бахолаш муддати танлашнинг техник кисми куриб чикилган санадан бошлаб 20 (йигирма) иш кунидан ошмаслиги керак.

9.7. Танлаш иштирокчиси такдим килган хужжатлардаги маълумотларнинг

сохталиги аникланса, Танлаш комиссияси бундай иштирокчини Танлашда иштирок этишдан четлаштиришга хакли.

9.8. Танлаш таклифларини бахолаш ва Танлаш голибини аниклаш Танлаш хужжатларида баён килинган мезонлар асосида амалга оширилади.

9.9. Танлаш хужжатлари ва таклифларида курсатилган мезон асосида шартномани бажариш буйича энг яхши шартларни (энг паст нарх, ушбу сохада ўн икки ойдан ортиқ ишлаган) таклиф килган Танлаш иштирокчиси голиб деб топилади.

9.10. Иштирокчиларнинг барча таклифлари харид килиш хужжатларида курсатилган талаблар асосида бахоланиб, танлаш утказиш баённомасида кайд этилади.

9.11. Таклифларни куриб чикиш ва бахолашни кайд килиш баённомаси Танлаш комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва унинг нусхаси имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни мобайнида махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

## 10. Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя килиш

10.1. Узбекистон Республикаси конунчилигида кузда тутилган жавобгарлик куйидаги холатларда юклатилади:

шартнома буйича мажбуриятларни (микдор, сифат ва техник курсаткичлар буйича) бажармаган Танлаш голиби, Узбекистон Республикаси конунчилигида ва/ёки тузилган шартномада кузда тутилган тарзда жавобгар хисобланади.

10.2. Иштирокчи коррупция куринишларига йул куймаслик буйича ариза такдим этишга мажбур.

## 11. Бошка шартлар

11.1. Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, утказилаётган Танлаш хакида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат килишга хакли.

11.2. Танлаш иштирокчиси буюртмачига Танлаш утказилиши хакидаги эълонда келтирилган шаклдаги Танлаш хужжатлари коидалари буйича тушунтиришлар бериш хакида суров юборишга хакли. Ушбу суров буюртмачига таклифлар берилиши якунланишидан камида 2 (икки) иш кун аввал келиб тушган такдирда буюртмачи курсатилган суров келиб тушган санадан бошлаб 1 (бир) иш куни давомида белгиланган шаклда Танлаш хужжатлари коидалари буйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлаш хужжатларининг коидалари буйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид булмаслиги керак.

11.3. Куйидаги холларда Танлаш комиссияси Танлашни булиб утмаган деб эълон килиши мумкин:

*Танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда*

*таклифларни куриб чиқиш якунлари буйича Танлаш комиссияси барча таклифларни Танлаш хужатлари талабларига мос эмаслиги сабабли рад этган тақдирда.*

## 12. Шартнома тузилиши

12.1. Танлаш натижаларига кура шартнома, танлаш голиби билан

тузилаётган шартнома Танлаш буюртмачиси томонидан такдим килинаётган Танлаш хужжатлари ва таклифларида курсатилган шартларда тузилади. Шартномани тузиш 5 иш куни ичида амалга оширилиши шарт.

12.2. Танлаш голиби Танлаш шартлари буйича шартномани тузишдан бош тортган такдирда, шартнома тузиш хукуки захирадаги ижрочига утади. Бунда захирадаги голиб Танлаш голиби таклиф килган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

## 13. Ижрочилар билан хисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тулов тартиби ва етказиб бериш шартлари

13.1. Ижрочилар билан хисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта - сум хисобланади. Тулов тартиби иловада келтирилган шартнома лойихасига мувофик амалга оширилади. Шартноманинг умумий киймати 100 млн, сумдан ошса 15 % ва 100 млн сумгача булса 30 % олдиндан тулов амалга оширилади.

13.2. Махсулотни етказиб бериш Етказиб берувчининг куч ва воситалари ёрдамида амалга оширилади.

13.3. Махсулотни етказиб бериш манзили:

Тошкент шахри, Яшнобод тумани, С.Азимов кўчаси 67-уй.

## 14. Электрон савдо платфомаси орқали тақдим килинадиган хужжатлар РУЙХАТИ

*Танлашнинг техник кисми:*

1. Танлаш комиссияси раиси номига Танлашда иштирок этиш учун ариза (1-шакл).
2. Танлаш иштирокчисининг мухри билан тасдикланган давлат руйхатидан утганлиги тугрисидаги гувохноманинг нусхаси.
3. Танлаш предметига мос келадиган товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш фаолияти билан шугулланиш хукукини берувчи рухсатнома нусхаси (етказиб берувчилар учун).
4. Танлаш иштирокчиси хакида умумий маълумот (2-шакл).
5. Корхона Низомининг нусхаси.
6. Қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик боскичи, банкротлик тартиб-таомили жорий этилганлиги, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилганлиги, соликлар ва бошка йигимларни тулаш буйича кечиктирилган карздорлиги тугрисида ваколатли идоранинг маълумотномаси.
7. Танлаш иштирокчисининг мухри билан тасдикланган ишчи ходимлар ва уларнинг лавозимлари тугрисида маълумот.

*Танлашнинг нарх кисми:*

8. Танлашнинг нарх таклифи (4-шакл).

## III. Тақдим қилинадиган айрим хужжатларнинг шакллари

*1-шакл*

ИШТИРОКЧИНИНГ РАСМИЙ БЛАНКАСИДА

Сана: __________ Хат рақами: ______________________________________

ХАРИД КОМИССИЯСИ РАЙСИГА

**АРИЗА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси хузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси 1-сонли Марказий консултатив-диагностик поликлиникаси томонидан товар (иш, хизмат)ларни харид килиш тугрисидаги -сонли эълонга мувофик давлат харидлари тўғрисидаги барча танлаш хужжатлари билан танишиб *(ишчи орган билан қўшимча сўровлар асосидаги ёзишмалар амалга оширилганда бундай ёзишмалар ҳам кўрсатилиши зарур)* батафсил ўрганган холда мазкур Танлашда иштирок этишимиз тугрисида маълум киламиз.

Танлаш шартларига мувофик барча талаблар тахлил килиниб, куйидаги

| Т/р | Товарлар (ишлар, хизматлар) номланиши ва лот раками | Улчов бирлиги | Етказиб бериш микдори | Етказиб бериш Муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |
| 5 | | | | |

махсулотларни етказиб беришни таклиф киламиз: ____________ ____________

Шу билан бирга, танлаш утказилгунига кадар, бевосита танлаш вактида ва ундан кейин узим ёки ваколатли вакилларим томонидан буюртмачининг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан танлаш билан боглик муносабатлар юзасидан конунга хилоф равишда пул, моддий-кийматликлар бермаслигимни, танлашда голиб булиш эвазига норасмий пул ёки бошка моддий кийматликлар олинишига йул куймаслигимизни, уларни беришга ваъда килмаслигимизни, шунингдек, моддий ёки хар кандай турдаги имтиёз, устунликлар олмаслигимизни, коррупциянинг хар кандай куринишига катьий каршилигимизни тасдиклаймиз. Коррупциявий холатларнинг хар кандай куриниши жиноят эканлиги ва жавобгарлик мукаррарлигини тулик тушунамиз.

Танлаш хужжатларини тайёрлаган масъул шахснинг Ф.И.Ш.

Телефон раками:

Электрон почта манзили:

Ташкилот (корхона) рахбари ёки ваколатли шахс:

Лавозими имзо Ф.И.Ш.

**МУ.**

Сана

Хат раками:

ХАРИД КОМИССИЯСИ РАИСИГА

Танлаш иштирокчиси тугрисида умумий маълумот

| | | |
|---|---|---|
| | Юридик шахснинг ташкилий хукукий шакли курсатилган холда тулик номланиши | |
| 2 | Руйхатдан утганлиги тугрисида маълумот (руйхатга олиш санаси, руйхатга олиш раками, руйхатга олган орган номи) | |
| 3 | Юридик манзили | |
| 4 | Ишлаб чикариш манзили | |
| 5 | Бино-иншоотларнинг тегишлилиги *(асословчи хужжатнинг тасдикланган нусхаси илова килинади)* | |
| 6 | Телефон/факс раками, э-почта | |
| 7 | Тулик банк реквизитлари | |
| 8 | Асосий фаолият йуналиши | |

Таклиф килинаётган товарлар (хизматлар, ишлар) курсатиш буйича тажрибаси мавжудлиги тугрисида маълумотлар

| Т/р | Курсатилган хизматлар (ишлар) номлари | Хизмат курсатилган ташкилот номи, манзили,алока ракамлари | Хизмат курсатиш муддати | Изох |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Ташкилот (корхона) рахбари ёки ваколатли шахс: МУ.

Сана

Хат раками:

ХАРИД КОМИССИЯСИ РАИСИГА

НАРХ ТАКЛИФИ

| Т/р | Товарлар (ишлар, хизматлар) номланиши ва лот раками | Улч. бир. | Микдори | Етказиб бериш киймати *(ККС билан) ёки (ККСсиз)* | Етказиб бериш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| Жами: _______номланиш | | | | | |

Таклифнинг амал килиш муддати 20____й.________________

__________________________; (ваколатли шахс имзоси)
__________________________; (ваколатли шахс лавозими ва Ф.И.Ш.)

М.У.